

ЎЗБЕКИСТОН БУНУЙОДКОРИ



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ НЕФТЬ ВА ГАЗ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни истеъмолчиларни нефть ва газ ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида табиий газ қазиб олиш ва суолтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича эришилган натижалар танқидий муҳокама қилинди. Энергетика вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз", "Узтрансгаз" ва "Худудгазтаъминот" акциядорлик жамиятлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Президент соҳа мутасаддиларига истеъмолчилар манфаатларини юқори қўйиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига табиий газ, суолтирилган газ ҳамда нефть маҳсулотларини зарур миқдорда етказиб бериш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди. Хусусан, иккинчи ярим йилликда 32 миллиард куб метр табиий газ ресурслари балансини таъминлаш, айниқса, куз-қиш мавсумида тизимни барқарор ишлаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун ҳар бир кон кесимида аниқ чора-тадбирларни белгилаб, истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш, хоржий ва қўшма корхоналар салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Геологик-техник тадбирларни бажаришга тажрибали пудратчиларни, ишлатилмасдан турган конларга танлов асосида инвесторларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Иккинчи ярим йилликда 457 минг тонна, йил якуни билан 850 минг тонна суолтирилган газ ишлаб чиқаришни таъминлаб, аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ва янги газ-кимё лойиҳалари ишга туширилиши инobatта олиниб, келгуси 5 йилда табиий газга бўлган талаб ортиши ҳисоб-китоб қилинган. Давлатимиз раҳбари бу йиллар учун зарур табиий газ ресурсларини шакллантириш мақсадида ҳозирдан аниқ режаларни ишлаб чиқиш, энергетика соҳасини рақамлаштириш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун соҳада геология-қидирув ишларини жадаллаштириш ва минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТИ ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИДА

9 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан учрашувига тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Бугунги кунга қадар тадбиркорлардан 13 минг 500 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган. Бу борада тузилган республика штаби аъзолари уларни бирма-бир ўрганиб, ҳар куни муҳокама қилиб бормоқда. Тадбиркорлар кўтарган 12 мингдан зиёд шахсий масалаларнинг ярмидан кўпи ҳозирги кунгача ҳал этилган. Жорий йилнинг етти ойида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизга ўсиб, 92 триллион сўмни ташкил қилгани таъкидланди. Шунга қарамай, тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари ва муддати қисқалиги тадбиркорлар учун энг долзарб масала экани аён бўлмоқда. Мурожаатларнинг 42 фоизи шу соҳага оид. Президентимиз иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни олиб келиш, долларлашув даражасини камайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Иккинчи долзарб масала ер ва бино ажратиш билан боғлиқ. Бундай мурожаатлар

Ў.А.

21 фоизни ташкил этган. Тадбиркорларга бу борада имкониятларни кенгайтириш учун ҳудудларга ишчи гуруҳлар юбориб, жорий йил 1 сентябрдан аукцион савдоларига чиқариладиган ер майдонлари ва бинолар рўйхатини шакллантириш вазифаси қўйилди. Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, лицензия ва ружсатномалар олиш бўйича мингга яқин мурожаатлар келиб тушгани бу йўналишда тизимли муаммолар сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Шунингдек, мурожаатлардан инфратузилмага улашиш борасида ҳам кўплаб муаммолар борлиги маълум бўлмоқда. Солиқ ва божхона соҳалари, имтиёз ва преференциялардан фойдаланишга оид масалалар ҳам таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни алоҳида назоратга олиб, уларга тўлиқ ечим топиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Қурилиш соҳаси рақамларда

Жорий йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистон Республикасида **37 268,7 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2020 йилнинг шу даврига нисбатан **100,9 фоизга** кўп бўлди. Бунда мавжуд қурилишларнинг **23,1 фоизи** йирик корхоналар, **60,2 фоизи** кичик ва микрофирмалар, **16,7 фоизи** норасмий сектор ҳиссасига тўғри келди.

2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра қурилиш ишлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

43 295 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **5 мингга** кўпайган. Корхоналарнинг **56,9 фоизи** бино-иншоотлар қуриш, **9,9 фоизи** фуқаролик объектлари қуриш, **33,2 фоизи** ихтисослаштирилган қурилиш ишларида фаолият кўрсатади.

Жорий йилнинг январь-май ойлари учун ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар энг кўп Тошкент шаҳрида **19,6 фоиз**ни, энг кам Сирдарё вилоятида **3,6 фоиз**ни ташкил этган.

2021 йилнинг январь-май ойларида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари **8 611,7 млрд** сўм – **23,1 фоиз**, кичик корхона ва микрофирмалар **22 420,8 млрд** сўм – **60,2 фоиз**, норасмий сектор томонидан **6 236,2 млрд** сўм – **16,7 фоиз**ни ташкил этган.

МАНГУБЕРДИЛИК БИЗГА ТАҚДИРИ АЗАЛ...



Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Икки ҳафтадан ортиқ вақт мобайнида ҳаяжон билан кузатганимиз, спортчиларимиз ғалабасини интиқлик билан кутганимиз, ғолиб бўлса қувониб, мағлубиятга учраганда биргалликда куйинганимиз Токио – 2020 Олимпиадаси ўз ниҳоясига етди.

Ўзбекистон медаллар бўйича МДҲда фақат россияликлардан ортада қолди, Марказий Осиёда 1-урин, туркий мамлакатлар орасида 1-урин, Осиёда 5-урин (Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Эрондан кейин) эгалланди. Дунёда 32-урин, Олимпия қўмиталари орасида эса 2-урин.

Ўзбекистонлик спортчилар 3 та олимпиада рекордини янгилашди ва 5 та медаль – 3 та олтин, 2 та бронзани қўлга киритишди.

Ушбу қувончли натижага эришшда беш нафар спортчимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Олтин: Улуғбек Рашитов (таэквондо), Акбар Жўраев (огир атлетика), Баҳодир Жалолов (бокс).

Бронза: Давлат Бобонов (дзюдо), Бекзод Абдураҳмонов (эркин кураш).

Олимпиаданинг илк кунларида

БУНЁДКОРЛИК – УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Дилшод ЖАЛОЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" газетаси Бош муҳаррири.

Асрий орзу-армонлари ушалган халқнинг бахти ва шодлиги фарзандлар қалбидаги буюк шижоат, миллий гурур ва ифтихорда намоен бўлмоғи тайин. Бундан 30 йил муқаддам Хуррият ва озодлик ҳавасидан баҳраманд бўлган халқимиз илк кунлардан бошлаб Ватанини, она юртининг шаҳар ва қишлоқларини обод қилишга бел боғлаб, бунёдкорликни бекиёс жараёнга айлантирди. Шу даврда амалга ошган асрларга менгзагулик ишлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди.

Мустақиллик замонидаги миллий тараққиётимизнинг иккинчи чорак асри бошланганига беш йил тўялди. Ана шу давр мобайнида амалга оширилган қайта қуриш ва бунёдкорлик жабҳаси ўтган чорак асрда рўёбга чиқарилган ишларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаб, Ўзбекистонда ҳали ишга солинмаган бекиёс имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Айни чоғда бутун жаҳоннинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини, ишонч ва эътиборини оширди.

Бу ҳақиқатни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва унинг ҳаётбахш самараси халқро кўламада қизғин эътироф этилаётганидан ҳам билиш мумкин.

Сўнгги йиллардаги қурилиш ва бунёдкорлик жабҳаси бугунги Янги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози – чинакам тимсолига айланди.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ғоят секин ва юзаки тарзда бўлса-да, авваллари ҳам бор эди. Бироқ бугунги қурилишлар билан аввалги қурилишлар жараёни ер билан осмонча фарқ қилади. Масалан, ўтган асрнинг 66-йили иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкентда оз берган зилзила туфайли шаҳарнинг ер силкинишида тўтдай тўкилиб, вайрон бўлган маҳаллалари ўрнида янги уй-жойлар қурилди. Янги мавзелар тиклана бошлади. Бироқ бу уйларга кўчиб ўтганлар қишда лой, ёзда чанг кўчалардан безор бўлиб кетарди. Болалар майдончалари жижжоланмагани катта ноқулайлик туғдирарди.



Уша даврда қурилган уйларда ҳозир ҳам одамлар истиқомат қилаётир. Ташки ва ички қиёфаси кўримсиз, тор ва шифти паст бу уйларда тиқилиб яшаётганлар эндиликда юртимизнинг турли гушаларида қурилган замонавий лойиҳадаги уйларга кўчиб ўтишмоқда. Аввало, ўша турар жойларнинг ичини ҳали кириб кўрмасдан ҳовлидаги болалар майдончаси, мавзеге катта кўчадан ўтиб бориладиган йўллар манзарасига, яратилган ободлик ва гузалликка боқиб, "Наҳотки, шундай уйларда яшашга муваффақ бўлдиқ?!" деб ҳайратдан ёқа ушлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Барча янги қурилишларимиз – у турар жой мавзелари ёхуд замонавий қишлоқларми, Тошкентнинг ер усти метро халқа йўли ёки тўйхоналар, истироҳат боғлари, исломий мажмуалар, спорт ва маданият иншоотлари, йўл ва кўприклар ёхуд "шаҳар ичидаги шаҳарлар" услубидаги замонавий

"сити қўрғонлар" бўладими – ҳаммасида ўз Ватанининг эгаси бўлиш бахти уфуриб турибди.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик соҳаси узлуксиз жараёнга айланганини айтдик. Бунга мисоллар жуда кўп. Узоққа бормайлик, куни кеча "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Қиймати 2 миллиард доллар бўлган ушбу корхона биринчи bosқичда йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради. Иккинчи bosқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки bosқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилга 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Қурилишнинг бошланишига бағишланган тадбирда иштирок этган

давлатимиз раҳбари "Бу улғувор режалар – том маънода инқилобий қадам, десак, тўғри бўлади", деди. Дарҳақиқат, шундай. 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан "Ешлик" қонида бошланган катта ишлар ушбу ҳудуддаги ноёб бойликларни ўзлаштириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши табиий.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ислохотлар барча соҳаларда изчил олиб борилмоқда. Буни қурилиш соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб қурилиш соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ислохотларимиз ташаббускорининг 2017 йилдаги фармони билан ҳар йили август ойининг иккинчи яқшанбаси Қурилиш соҳаси ходимлари кўни сифатида нишонланши, мана шу шарафли касба бўлган катта эътибор намунаси бўлди.

БУНЁДКОРЛИК – УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН



1-бет

Курилиш индустриясида кўп-лаб янги корхоналарнинг қийдаланишига топширилиши ушбу санаянинг янада ривож топишига хизмат қилмоқда. Бундай корхоналар фаолияти билан мамлакатимизда уй-жой қурилиши миқёслари йилдан-йилга кўпайиб, одамларнинг ўз ҳаётини мамнулиги охири бормоқда. Истиқлолимизнинг 30 йиллик байрами арафасида ҳам барча ҳудудларда уй-жойга муҳтож, эҳтиёжман оилаларга янги уй-жойлар тантанали равишда топшириляётганида албатта, бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Инсон манфаати улуғланаётган мамлакатда аҳоли турмушини яхшилаш, фаровонликни юксалтириш, айниқса, кам таъминланган, ўзгалар кўмағига муҳтож бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш барча ҳудудларда давом этмоқда.

Пойтахтимизда "Tashkent city" шаҳарчаси қурилиши давом этиши баробарида юртимизнинг деярли барча ҳудудларида ҳам бу каби "city"ларнинг барпо этилаётгани шаҳарларимизга янада кўркам қиёфа бағишламоқда. Биргина

Самарқанддаги Амир Темур кўчасининг икки ёнида қарийб 14 гектар майдонда "Samarkand city"нинг бунёд этилаётгани бу кўча заманининг замонавийликка юз тутаётганидан дарак беради. "Самарқанднинг ҳозирги сайёҳлик салоҳияти тарихий қадамжолар ҳисобига. "Samarkand city" замонавий туризм маркази бўлади. Дунёда нимаки хизмат турлари бўлса, бу ерда муҳайё бўлиши керак", деганди Шавкат Мирзиёев.

Истиқлол яратган ва яратаятган бунёдкорлик ҳақида оз бўлса-да, сўзладик. Дарвоқе, мустақиллик одамларнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини ўзгартириб қолмасдан, шаҳар ва қишлоқларимиз фаёз тарафини ҳам янгиламоқда. Турмушимизга фаёз ва баракка кирмоқда. Улуғ аждодларимизнинг орау-армонлари ушалди, уларнинг пок дуолари ижобат бўляпти. Бу жараён одамларда ўз Батанига эгалик, барча ишларда поклик ва ҳалоллик туйғусини ардоқламоқда, ҳаётга нисбатан соғлом муносабатни шакллантирмоқда.

Мустиқиллик яратган нэматлар – бизнинг тинчлигимиз ва оқсоқиллигимиз, муттасил давом этаётган бунёдкорлигимиздир. Шундай замон абадий бўлсин, деймиз!

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ РАҚАМЛАРДА

Жорий йилнинг I ярим йиллик якунларига кўра, Қурилиш вазирлиги томонидан ўзига юклатилган вазифа ва функциялар доирасида қандай ишлар амалга оширилди? Маълумки, ҳудудларда қурилиш ишларини бажаришга оид бир қанча мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган.

Инвестиция дастури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида жорий йилда жами 2 749 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция ва капитал таъмирлаш белгиланган. Булардан:

умумтаълим мактаблари – 485 та; болалар боғчалари – 244 та; соғлиқни сақлаш – 147 та; жисмоний тарбия ва спорт – 56 та; олий таълим – 36 та; маданият ва санъат – 18 та; илм фан ва инновация – 14 та; ичимлик суви ва канализация – 218 та; автомобиль йўллари ва кўприклар – 682 та; ирригация – 145 та; мелiorация – 84 та; иссиқлик таъминоти – 4 та; хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар – 123 та; Орол бўйи минтақаси объектлари – 102 та; бошқа объектлар – 391 та.

Дастурга киритилган 2 749 та объектлардан 2 090 таси янгидан бошланувчи ва 659 таси йилдан-йилга ўтувчи ҳисобланади.

Дастлабки мониторинг натижаларига кўра, бугунги кунда:

– янгидан бошланувчи 2 090 та объектлардан 2 084 тасининг (99 фоиз) лойиҳа-смета ҳужжатлари



ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 2 002 таси бўйича экспертиза хулосалари олинган;

- қолган 6 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари якунланмоқда;
- электрон тендер платформаси орқали янгидан бошланувчи объектлар бўйича пудратчиларни аниқлаш учун тендер платформасига 1 573 та эълонлар жойлаштирилган бўлиб, 1 450 тасининг пудратчиси аниқланган.

Сурхондарё – 4 та;
Тошкент в. – 22 та;
Фарғона – 15 та;
Хоразм – 13 та.

Ушбу массивларнинг бош режалари ишлаб чиқилиб, йилларни жойлаштириш, инфратузилма объектлари ва муҳандислик тармоқларини қуриш лойиҳа режалари тайёрланган. Бугунги кунда мазкур уй-жойлар бўйича 284 та пудрат ташкилоти аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган.

Уй-жой қурилиши дастури:

2021 йилда 46 мингдан ортиқ кўп квартиралар ва яққа тартибдаги уй-жойлар қуриш белгиланган. Мазкур уйлар қурилиши учун маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий ташкилотлар билан биргаликда жами 175 та массив танланган.

Хусусан, янги тартиб асосида жами 27 648 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши учун 139 та массив танланган. Хусусан:

Қорақалпоғистон – 9 та;
Андижон – 12 та;
Бухоро – 11 та;
Жиззах – 6 та;
Қашқадарё – 16 та;
Навоий – 5 та;
Наманган – 12 та;
Самарқанд – 12 та;
Сирдарё – 2 та;

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури:

Республикамизнинг оғир аҳволдаги 166 та туман ва 42 та шаҳарларида 416 та танланган маҳаллаларнинг (жумладан, туманларда 332 та ва шаҳарларда 84 та) архитектура қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш белгиланган.

Дастур доирасида жами 40 209 та объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда 23 777 та (94 фоиз) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб ва уларнинг 15 204 таси бўйича экспертиза хулосалари олинган.

Ҳозирга қадар 2 658 та объект бўйича тендер савдолари якунланган ва қолган 882 та объект бўйича тендер (танлов) савдолари жараёнда кетмоқда.

Шунингдек, жами 13 456 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун буюртмачи ва пудратчи ўртасида пудрат шартномалари тузилди (жами қиймати – 12,5 трлн сўм).

Ушбу дастурга киритилган жами 2 003 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Бугунги кунда 1 921 та (96 фоиз) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 1 891 таси бўйича экспертиза хулосалари олинган ва 30 таси экспертизадан ўтказилмоқда.

Ҳозирга қадар 1 474 та объект бўйича тендер (танлов) савдолари якунланган ва 1 396 та объектада қиймати 5,7 трлн сўм қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун буюртмачи ва пудратчи ўртасида пудрат шартномалари тузилган.

"Ўзсаноат қурилиш материаллари" уюшмаси таркибидagi корхоналар томонидан 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 трлн 348,9 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 121,9 фоизни ташкил этди. Шундан уюшма таркибидagi йирик саноат корхоналари томонидан 3 186 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш ўтган йилга нисбатан 125 фоизни ҳамда уюшма таркибидagi кичик бизнес корхоналари томонидан 1 162,9 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 114,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ушбу даврда 196,2 млрд сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди (ўсиш 100,1%). Жумладан, 4 978,8 минг тонна цемент (ўтган йилга нисбатан 120,7%), қурилиш ойнаси – 9,77 млн кв.м 2-мм улчамда (87,6%), керамик плитка – 8,07 млн кв.м (1,9 баравар), гипсокартон – 19,3 млн кв.м (110,7%), қуруқ қурилиш аралашмалари – 74,6 минг тонна (134,6%), обой – 937 минг ўрам (133,8%), оҳак – 62,9 минг тонна (2,4 баравар), гипс – 84,6 минг тонна (120,6%) каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЎПРИКЛАРИ


манзилларни бир-бирига боғлаб, халқимизга қулайлик яратмоқда, шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда

Шахзод ҒАФФОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири.

Бир неча йил аввал Нидерландиянинг Эйндховен, Велдховен ва Меерховен аҳоли пунктларининг туташ қисмида халқасимон шаклда қурилган "Novering" кўприги ҳақида мақола ёзганим. Кўприкнинг расмини кўриб, лойиҳанинг ўзига хослиги ҳақида ўқиб, роса ҳайратланганман. Дунё меъморчилигининг юксак намуналаридан бўлган бу иншоот автомобиль ҳамда велосипедлар билан юзага келадиган тирбандликларни бартараф этишга хизмат қилиш баробарида, ноодатий кўриниши билан қисқа муддатда мамлакатнинг "ташриф қоғози"дан бирига айланишга ҳам улгурди. Шу ҳақда ёзар эканман, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тимсолига айланган, ана шундай ноёб меъморий ечимга эга бир неча қаватли кўприклар мамлакатимизда ҳам қурилиши, деган ҳавас ва ширин хаёлларга беихтиёр берилганим ўшанда.

Ҳаёлларимнинг ҳаётдаги рўёби кўп ҳам куттирмади. Ўтган йили Президентимиз ташаббуси асосида ҳамда аҳоли талаб ва эҳтиёжи, пойтахтимизнинг келгуси ривожини инобатга олинган ҳолда, Тошкент шаҳрида Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесилишида мазкур поғонали йўл ўтказгич барпо этилди. Ўзбекистон тарихидagi илк уч қаватли кўприкни қуриш ишлари 2018 йилда бошланган эди. Оҳангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми бўлиб, Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт қатнови жадаллиги янада ортганди. Лойиҳа рўёбга чиққач, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратилди. Илгари бу чорраха соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатига 20 мингта транспорт воситасини узлуksиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Туннель узунлиги 593, ҳалқа шаклидаги ўрта поғона 329, эстакада қисми 502 метрли, туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса, беш қаторли бўлган мазкур уч поғонали кўприк жаҳон меъморчилигининг энг яхши ютуқларини уйғунлаштирган ноёб иншоотлардандир.



ТУННЕЛЬ УЗУНЛИГИ 593, ҲАЛҚА ШАКЛИДАГИ ЎРТА ПОҒОНА 329, ЭСТАКАДА ҚИСМИ 502 МЕТРЛИ, ТУННЕЛЬ ВА ЭСТАКАДАДА ҚАТНОВ ОЛТИ, ЎРТА ПОҒОНАДА ЭСА, БЕШ ҚАТОРЛИ БУЛГАН МАЗКУР УЧ ПОҒОНАЛИ КЎПРИК ЖАҲОН МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЮТУҚЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН НОЁБ ИНШОТЛАРДАНДИР.

Яқинда шу кўприкнинг устидан ўзгача ҳис-ҳаяжон билан ўтар эканман, Нидерландиядаги кўприк эсимга тушди. Мамлакатимизда ҳам ундан асло қолишмайдиган кўприк қурилганидан қалбим гурур-ифтихор туйди, ана шундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун билимимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли эканига яна бир қарра амин бўлдим.

ТАЖРИБА, СИФАТ, САМАРА

Халқимиз азалдан йўл, кўприк қуришни энг савобли амаллардан, деб билади. Йўл, кўприк қурилганнинг меҳнати улуғлади. Чунки бундай қурилишлар орқали одамларнинг мушкул осон бўлади. Улар воситасида кўзланган манзилга осон ва хавфсиз етиб олиш имконияти яратилади.

Шу боис, мамлакатимизда халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобиль йўллари, кўприклар қуриш, йўлда ҳаракатланиш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги темир йўл ва автомобиль кўприкларининг аксарияти "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидagi "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси томонидан бунёд этилмоқда. Мазкур корхона қурган ноёб иншоотлар мамлакатимиз темир йўлининг яхлит ва ягона транспорт тизимига айланишига, барча ҳудудлардаги пўлат изларни бир-бирига туташтиришга муносиб ҳисса қўшди.

– 1968 йилда ташкил қилинган "Кўприкқурилиш" трести 2004 йилдан бошлаб "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тасарруфидa фаолият юритмоқда, – дейди корхона бўлим бошлиғи Иброҳим Саминов. – Мазкур трест Амударё узра ҳам темир йўл, ҳам автомобиль ҳаракати учун мўлжалланган кўприк қурилиши, Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон, Ангрэн–Поппо темир йўл линияларидаги ноёб кўприклар, йўл ўтказгичлар бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшди. Уларнинг қурилиши билан вилоятларга бориладиган масофа қисқарди, вақт сарфи камайди, йўловчиларга қулайлик яратилди. Бундан 30 йил олдин Ўзбекистонда маҳаллий қурувчилар томонидан ана шундай ноёб иншоотлар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Узоқ йиллар давомида орттирилган улкан тажриба ва замонавий технологиялар ушбу корхона жамоаси томонидан ҳар бир йўл ўтказгич ва кўприкнинг халқаро талабларга мос тарзда бунёд этилишига имкон яратди.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мазкур кўприк қурувчи корхона томонидан умумий узунлиги 67,3 километр ва ўртача баландлиги 6,2 метр бўлган 413 та кўприк ва йўл ўтказгич барпо этилди. Улар орасида энг баланди қарийб 60 метрни ташкил қилади. Бундан ташқари, узунлиги 12,5 километр бўлган 214 та турли сунъий иншоот ҳам қурилди.

Сўнги беш йилда корхона мутахассислари умумий узунлиги 35,7 километр бўлган 102 та йирик транспорт иншооти бунёд этди. Уларнинг баландлиги ўртача 6,1 метрни, энг баланди эса 31 метрни ташкил қилади. Шунингдек, жами узунлиги 1,9 километр бўлган 75 та кичик сунъий (сув ўтказгич қувурлар, тирама деворлар, туннелсимон йўл ўтказгичлар) қурилди.

БУНЁДКОРЛИК ТИМОСОЛИГА АЙЛАНАЁТГАН МУХТАШАМ ИНШОТЛАР

Мамлакатимизда дунё стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан мукаммал лойиҳалар асосида кўприклар, йўл айиргичлар қуриляётгани аҳолига янада қулайлик яратиб, турмуш фаровонлиги ошишида муҳим аҳамият касб этапти.

Жумладан, Тошкент шаҳар йўл инфратузилмасини яхшилаш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Чунки пойтахтда аҳоли ҳам, шунга мос равишда транспорт воситалари ҳам кўпаймоқда. Охириги 10 йилда Тошкент шаҳрида автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар ошган. Шу боис, йўлларда босим ва тирбандлик кўп, йўл ҳаракатини тартибга солишда муайян камчиликлар мавжуд.

Шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўнги йилларда пойтахтимизда замонавий кўприклар, ер усти метроси, янги йўллар бунёд этилди. Бу эса, ўз навбатида, вақт ва ёнилгини тежаб, йўлларда тирбандлик камайишига хизмат қилмоқда. Демак, ҳам вақт, ҳам нақд иқтисод қилинмоқда. Хусусан, 2017 йилда Чилонзор туманида Бунёдкор ва Муқимий кўчалари чорраҳасида қурилган кўприк аҳолига жуда катта қулайлик яратди. Икки ойда қуриб битказилган бу кўприкнинг умумий узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр. У автомобиллар ҳаракати узлуksизлиги ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Кўприкнинг икки томонида пидедалар учун иккита ер усти ўтиш йўлига барпо этилган.

У киши янги тизим асосчиси...



Ислом ИБДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Орамизда шундай инсонлар борки, улар кўпдан кўп долғали даврларнинг шохиди бўлган. Юртининг шодлиги-ю танглигида эл-улугга камарбаста бўлиб, ўзларининг улкан иродаси-ю меҳнатини сарф этган. Бундай инсонларни "кўпни кўрган" дея эътироф этамиз. Аслида ҳам уларнинг кўрган-билганлари жамиятимизнинг ёш қатлами учун ўрнақдир.

Албатта, мамлакатимизнинг энг пўртанали, сиёсий танглик ҳамда иқтисодий тушунлик даврларида ўзининг ишбилармонлик салоҳиятини борича кўрсатган инсонларни алоҳида эътироф этасак арзийди. Ҳамза Очиллов ҳам мустақиллик йилларида Шахрисабз туманининг бош архитектору ва туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борди. Уша даврда тумандаги

аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш ва ободонлаштиришда лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш, муҳандислик коммуникацияларни ривожлантириш, айниқса, узок қишлоқларни ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш ишларида жонбозлик кўрсатди.

– 2007 йилдан то ҳозирги кунгача Қурилиш вазирлигида бош мутахассис лавозимида ишлаб келаман, – дейди Ҳамза ака. – Касб фаолиятим давомида мамлакатнинг чекка худудларида иш олиб бордим. Соҳанинг қийинчилиги-ю даврнинг беқарорликларига қарамадан ўзим ўйлаган лойиҳаларни амалга оширишга, тегишли худуднинг архитектура кўринишини янгилашга, аҳоли учун қўлайлик яратишга ҳаракат қилдим.

Ҳ. Очиллов Қашқадарё вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаган даврда янги қуриладиган бина ва иншоотларни худудларда жойлаштиришда, бунинг ҳужжатларини тайёрлашда янги тизим ўйлаб топган бўлиб, ушбу тажриба 2006 йилдан бошлаб бутун республика бўйича барча архитектура органлари фаолиятида қўлланилиб келинмоқда.

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда "Asakabank" АЖ Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдога қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шўртепа кўчаси, 253-уйда жойлашган умумий майдони – 0,117 га, қурилиш майдони – 303,0 квадрат метрдан иборат кўчмас мулк бина-иншоотлари ва асосий воситаларидан иборат меҳмонхона биноси чиқарилган. **Бошланғич баҳоси – 16 253 870 000 сўм.**

Такрорий аукцион савдо ҳар ҳафтанинг жума кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Алоҳида шартлар:

– шартнома бўйича тўлов муддати 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;
– йиллик фойз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан ҳисобланади;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 15 фойз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 15 фойз тавофутини тўлаш;
– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолангандан сўнг 15 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан сўгурта шартномасини тузиши лозим.

Аукцион савдо Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уйда савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийгирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг

сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нарҳининг 1 фойз миқдориде комиссия йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 11.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдодан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фойзидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ "InFinBank" МФО 01041 СТИР 304 844 964.

Аукцион савдода қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатлар топширишлари керак:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдориде тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.

Тел.: 99-858-01-12.

E-mail: info@primerealty.uz

Расмий веб-сайт: www.primerealt.uz

RR 0285-сонли лицензия.

"Бешкент пахта тозалаш" АЖ

КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4633-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Қашқадарё Пахтаसानоат" ЖАБ тизимидаги корхоналар белгиланган тартибда тугатилмоқда ва кластерларга сотилмоқда.

"Бешкент пахта тозалаш" АЖда жорий йилнинг 2021 йил 1 июль ҳолатида мавжуд бўлган кредитор қарзлар йўқламадан ўтказилаётгани минособати билан мавжуд кредитор қарзлари тўғрисида жамият бошқарувчиси номига ёзма маълумот беришини ҳамда жамият бош ҳисобчиси иштирокида қайта ўрганиб чиқиб натижаси тўғрисида солиштирма далолатнома тузишини сўрайман.

Қонунда белгиланган тартибда жамиятга қарз мажбуриятларини ундириш бўйича талаб қилишини мумкин.

Қарз мажбуриятларини тўлаб бериш талабига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим бўлади:

– жамият билан тузилган шартнома асл нусхасини кўрсатган ҳолда ксеронусхаси;

– жамият томонидан берилган ишончнома асл нусхаси кўрсатилган ҳолда ксеронусхаси;

– кўрсатилган хизмат (форма "икки" иш бажарилиши далолатномаси) ёки олинган моддий бойликни асословчи белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ҳисобварақаси;

– жамият билан солиштирма далолатнома тузувчига берилган ишончнома ва уни тасдиқловчи ҳужжат;

– қарзни ундириш тўғрисидаги суд қарорлари (агар мавжуд бўлса);

– бошқа қарздорлик ҳосил бўлганини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Юқориде қайд этилган ҳужжатлар 02.09.2021 йил 2 сентябргача тўлиқ тақдим қилинмаган тақдирда кредиторлик қарзингиз тан олинмайди. Уни талаб қилиш учун иқтисодий судларга мурожаат қилиш ваколатингиз борлиги тўғрисида оголантирамиз.

Мурожаат учун тел.: 91-633-91-71.

Манзил: Қарши тумани, Бешкент-Нишон йўли 3-км.

"Бешкент пахта тозалаш" АЖ бошқаруви.

қатнов жуда кўп, юклама катта эди. Янги қуриладиган кўприклар эвазига автомобилларнинг тўхтовсиз ҳаракати таъминланяпти.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН

Бугунги шиддатли замонда йўллардаги тирбандликлар сабаб кўп вақт йўқотилмоқда, қўриладиган молиявий зарар ҳам эмас. Мисол учун, АҚШнинг автомобиль энг кўп ҳаракатланадиган 10 та шаҳрида ҳайдовчилар бир йилда тирбандлик сабаб тахминан 42 соат

дан саналади. Японлар шуни ҳисобга олиб, баланд йўллар, кўприклар қуриш йўлини танлаган. Бу ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, шаҳар марказидаги автомобиллар билан юзага келадиган юкламалар, ортиқча ёниги, вақт сарфининг олдини олиш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш имконини беради.

Хитойнинг Шарқий қисмида жойлашган Даньян-Куньшань дунёдаги энг узун кўприк саналади. Уzunлиги 164,8 километрни ташкил этадиган мазкур кўприк Цзянсу провинциясида жойлашган. Бир кеча-кундузда йўл ўтказгичдан қарийб 30 мингга транспорт воситаси

уч баробар кам зарарли модда ажратади.

– Автотранспорт воситалари тирбандлиги экологик муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан, – дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиги Азизжон Қалимбетов. – Автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар атроф-муҳит мусоффолигига, инсон саломатлигига зарар етказиши, қўриқлар зарарли фотосинтез жараёнига ҳам таъсир ўтказиши. Кўприк ва йўл ўтказгичларнинг эса, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашдаги ўрни катта. Маса-

шаҳар инфратузилмасини янада яхшилайти. Ана шулардан бири Тошкент халқаро аэропортидан шаҳар марказига ўтишдаги кўприкни кенгайтириш лойиҳаси. Президентимиз шу йил 31 май куни туризм, шаҳар инфратузилмаси ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида мазкур масалалар ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Ҳозирги йўл ўтказгич 1967 йилда қурилган бўлиб, пойтахт ривожланиши ва транспортлар сонини ошиши билан уни реконструкция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис, ушбу кўприкнинг Кичик халқа йўли билан кесилган жойида айланма шаклдаги йўл ўтказгич қуриш режалаштирилган. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади.

Ушбу муҳандислик ечимини автотранспортларнинг кўприкка чиқиши ва тушишини осонлаштирилади, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди ҳамда яқин атрофдаги кўчаларда ҳам тирбандлик камайишига хизмат қилади. Объектни 22 ой ичида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Утган йил 26 декабрь кунини ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Қипчоқ кўчасидаги кўприк очилди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўл ўтказгичлар барпо этилмоқда.

Кичик халқа йўли ва Салар канали устида қуриладиган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда 950 метр бўлади.

Шу йилнинг 25 июнь кунини давлатимиз раҳбари ушбу кўприкни бориб кўрди. Ўзига хос муҳандислик ечимига эга бу иншоот монолит услубда, бетон аралашмаси ичидаги темир тўқималарни таранг тортиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Бу хавфсиз бўлиши билан бирга, қуриш учун жуда қўлай. Хусусан, бу ердаги ишлар ҳам Кичик халқа йўли ва темир йўлдаги қатновни тўхтатмаган ҳолда давом эттирилмоқда.

Ушбу кўприкдан Қипчоқ кўчасигача 6 километр йўл қурилмоқда. Тошкент автомобиль халқа йўли билан кесилган жойида туннель бўлади. Шу тариқа пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчаси ва Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси боғланади.

Ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автотранспорт асосан битта йўл – Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, тирбандлик юқори. 6 қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 минггача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Натижада Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фойз, ҳаракат вақти 20-25 дақиқача камайди.

Мухтасар айтганда, сўнгги беш йилда пойтахтимизда кўприксолик, йўл қурилиши йўналишида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиди. Бундай йирик лойиҳалар йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг ўз манзилига осон ва қўлай этиб олишини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрини янада кўркам ва обод масканга айлантиришга хизмат қилмоқда.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).



вақт йўқотади. Бунинг оқибатида ёнилғи сарфи ва экологик муаммолар тўғрисида қарийб 121 миллиард доллар молиявий зарар қўрилади.

Шунга қарамай, мегаполис шаҳарларда автомашиналар тирбандлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Базми мамлакатларда шаҳарнинг турли туманларини бир-бирига боғлаш учун айланма йўллар барпо этилмоқда. Бунга Токио шаҳрида бунёд этилган халқа йўллари мисол бўла олади. Мазкур шаҳарда бундай йўллар саккизта бўлиб, тўрттаси пуллик, яна тўрттаси бепул. Қизиги, бу халқа йўллари 20-30 метр баландликда қурилган бўлиб, улар остида автомобиллар бемалол ҳаракатлана олади. Тирбандликнинг олдини олишга қаратилган бундай ўзига хос ечимга келинганининг сабаблари бор, албатта. Маълумки, Токио аҳолиси кўп, бинолари жуда зич жойлашган шаҳарлар

ўтиб-қайтади. Ушбу кўприк йилига ўртача 1200 тоннага яқин зарарли тугун ҳавога қўтарилишининг олдини олади.

Лос-анжелесдаги дунёга машҳур Гарри Прежерсон номидаги беш погонали йўл ўтказгич жуда мураккаб меъморий ечимга эга бўлиб, унда ҳам автомобиль, ҳам метро йўли ўтган. Мазкур йўл ўтказгич орқали кунига 600 мингдан зиёд транспорт воситаси ўтиб-қайтади. Бу орқали транспорт воситалари билан боғлиқ тирбандликлар бартараф этилди, шаҳар магистралларига юкламалар камайtirилди. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўл ўтказгич ҳавога йилига ўртача 25 минг тонна зарарли газ чиқишининг олдини олмақда.

Маълумотларга кўра, пойтахтимизда автотранспортнинг 75 фойзи бензин ва дизель, 25 фойзи газ ёнилғисиде ҳаракатланади. Метан газли автотранспортлар бензинлигига қараганда

АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚЎЛАЙЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Келгусида пойтахтимизда қурилиши режалаштирилган кўприклар, йўл ўтказгичлар

ОДДИЙ БЕТОНЧИДАН “ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ”ГА АЙЛАНГАН ҚУРУВЧИ



Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Дўстим, ҳали кўрасан, Тошкентимиз бир кун дунёдаги энг гўзал шаҳарлар қаторидан жой олади. Бунда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан ўшанда жуда фахрлансак керак-а?

Кўна Шошнинг тор ва тупроқ кўчаларидан шахдам қадам ташлаб, чанг-тўзон кўтарилган қурилиш томон кетаётган икки ўспириндан бири шундай деб дўстига юзланди.
– Албатта, ахир ниятимиз ҳам шу-ку аслида.

Ниятинг, йўлдошинг деб бежиз айтишмаган экан. Ким ўйлабди дейсиз, ўша пайтда шу йигитлардан бири, аниқроғи, Тоир Дадаханов кун келиб “Ўзбекистон Қаҳрамони”га айлангани...

– Мактабни битирган йилми осилсанг баланд дорга осил, дея ўша пайтда машҳур таълим даргоҳидан бири – Иқтисодиёт университетига ҳужжат топширдим, – дейди 67 ёшли қурувчи Тоир Дадаханов. – Афсуски, ўқишга кириш озуим амалга ошмади. Мактабдош дўстим билан агар ўқишга киролмасак, қурилишда ишлаймиз, деб келишиб олгандик. Шу боис, тўғри қурилишга отландик. Бир мuddат 2-разрядли бетончи бўлиб ишлаб юрдик. 1973 йилда ҳарбий хизматга қақрилиб, қайтиб яна шу қурилишда ишимни давом эттирдим. Ўша пайтда асосан кўп қаватли уйлар қурилар эди. Биз ҳам пойтахтимизнинг гўнча, Чорсу ва Ўрда атрофидаги кўп қаватли уйлар қурилишида ишладик. Шу билан бирга Қурилиш техникумига ўқишга кириб, 1979 йилда уни бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши бўйича битирдим. Бир оз вақт прораблик қилгач, 1986 йил ўзим бригадга тузиб, алоҳида ишлаб бошладим.

Айни пайтда 18 кишилик жамоага бригадирлик қилиб келаётган Тоир Дадаханов юртимиздаги энг асосий давлат объектларининг қурилишида қатнашиб келаётган фахрий қурувчилардан. Ватанимиз мустақилликка эришгач, кўп соҳалардаги каби қурилишда ҳам янги давр бошланди. Билишди, ижтимоий соҳа объектлари қайтадан қурилиб, реконструкция қилинди. Қаҳрамонимиз бошчилигидаги жамоа ҳам

бу ишлардан четда қолмади, албатта. Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи биноларини реконструкция қилиш, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг янги бинолари қурилишида ҳам у кишининг меҳнати катта. Қолаверса, Сурхондарё, Бухоро ва Урганч шаҳарларида ҳам давлат объектлари қурилиш-реконструкция ишларида қатнашган. Хусусан, Урганчдаги Маслаҳатлар уйи ва Огаҳий номидаги театр биноси реконструкциясида ҳам Тоир ака бошчилигидаги жамоанинг хизмати катта. Бундан ташқари, пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, “Hyatt Regency” меҳмонхонаси, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, Дўрмон қароргоҳидаги Мажлис зал ва ҳарбий академия қурилишларида ҳам фаол қатнашган.

Буюклик – камтарликда дейишса, эътибор бермаган эканман. Аммо Тоир Дадаханов билан учрашиб бу фикрнинг ҳақиқат эканлигини ҳис қилдим. Оддий, камсукум, самимий ва меҳнаткаш инсонлиги юз-кўзида акс этиб турган ҳақиқий қурувчини кўриб, беихтиёр “Ўзбекистон Қаҳрамони” ҳам шунчалик камтар бўладими деган фикрга келишингиз аниқ.

Айни пайтда юртимиздаги энг малакали қурувчилар жамоаси йиғилган “Т2-Трест” акциядорлик жамияти 50-Қурилиш бошқармаси монтажчилар комплекс бригадаси бригадир лавозимида ишлаётган Тоир Дадахановга 1995 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони берилди. 2003 йилда эса “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. Ниҳоят, 2007 йилда энг олий даражадаги мукофот – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди.

– Меҳнатларим давлатимизнинг шундай юксак мукофотларига муносиб қўрилганидан мамнунман, – деди биз билан суҳбатда Тоир Дадаханов. – Бу юрtdа меҳнат қилган, интилган инсон асло кам бўлмайди. Шу боис, фарзандларимга ҳам болалигидан ҳамма нарсага ўз кучи билан эришиши кераклигини ўргатганман. Шукурки, уҳ қизим онасидек педагог, ўғлим Дилшод Дадаханов ТАҚИни битирган, айни пайтда мен билан бирга пўлат темир-бетон конструкциялари монтажи устаси

бўлиб ишлаяпти. Ўғлим моҳир қаратғчи, қора белбоғ соҳиби ҳам. Спорт билан шуғулланишдан кўра, қурилиш соҳасига кўпроқ эътибор қаратганидан хурсандман. Набирам Жавлон Жўраев ҳам шу институтнинг 3-босқич талабаси. У ҳам биз билан бирга, ҳозирда бетончилик қилиб, қурувчилик сир-асорларини ўрганмоқда.

2009 йилда Тоир Дадаханов пенсияга чиққач, саломатлиги туфайли қурилишдан бир оз мuddат танасиз қилди. Аммо унингдек тажрибали, ўз соҳасини мукаммал эгаллаган устага эҳтиёж ҳар доим, ҳар бир ташкилотда сезилади. Шу боис, “Ёшларга тажрибангизни ўргатинг” дея яна қақриб олишди. Шу-шу, ҳамон ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, юртимиз қурилиш соҳасига кўплаб малакали шогирдларни тайёрлаб бермоқда.

– Бугунги ёшлар жуда иқтидорли, кўрганини тезда ўзлаштириб олади, – дейди қаҳрамонимиз. – Жамоага янги келган ёшларни тартиб-интизомга, ишга ўргатишда ўзига хос қондаларимиз бор. Ёрдამчим Шерали Болтаев ва Рустам Мақсудов каби малакали уста йигитларга янги келганларни бириктириб кўямиз. Ёнг аввало, уларга хавфсизлик қондалари тушунтирилиб, имкониятига қараб иш ўргатилади. Жамоада тобланган ёшларнинг кўпчилиги бугун энг яхши ташкилотларнинг кўзга кўринган усталари сифатида фаолият юритмоқда. Бу ҳам меҳнатимга берилган ҳақиқий мукофотдир.

Айни пайтда Тоир Дадаханов бошчилигидаги бригада аъзолари Исом цивилизацияси маркази қурилишида фаолият кўрсатмоқда.

Болалигида Тошкентни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантиришни ният қилган, бу йўлда бетончи, монтажчи, қурилиш мастери, уста, катта уста, бригадир вазибаларида фаолият юритган Тоир Дадаханов бугун ваъдасининг устидан чиқди. Юртимиз, хусусан, пойтахтда унинг қўли теккан, ҳеч бўлмаса тавсияси ва маслаҳатларига амал қилиб қурилган иншоотлар қанчадан қанча.

Тоир Дадаханов ва у киши орқали юртимиздаги барча қурувчиларни касб байрами билан яна бир бор табриклаймиз!

Бунёдкорлик

“БЕШКАПА” КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ҚУРИЛМОҚДА

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган вилоятида кичик саноат зоналари сони бугунги кунда етмиштадан ошяпти. “Бешкапа” – ана шуларнинг бири.

Чортоқ туманидаги мазкур КСЗ жадал

сурьатда қад кўтармоқда. Етти гектарни эгаллаган майдонда тадбиркорлар томонидан 37 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун 95 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

ҲАҚҚУЛОБОДДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР

Норин тумани маркази – Ҳаққулободда бу йил 13 та беш қаватли турар жой бинолари қуриб битказилди. Шу кунларда Бўзўлмас, Навоий номли, Дўстлик маҳалларидаги қурилиш майдонларида иш қизғин кетмоқда.

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иш юритувчиси Машраббой Турсуналиевнинг айтишича, барча объектларда пудрат ташкилотлари томонидан ишлар ташкил этилган. Бинокорлар сурьатни ошириш билан бирга сифатга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда.

ЯККАТУТДА ЯНГИ КОШОНА

Поп туманидаги Яккатут қишлоғи марказини янги кошона беади. У аҳоли учун Мустақилликнинг 30 йиллиги арафасида муносиб туҳфа бўлди.

Умумий қиймати 2 миллиард сўмга тенг бу тантаналар мажмуасини маҳаллий тадбиркор Сирожиiddин Йўлдошев ўз маблағи ва банк кредити ҳисобидан қуриб битказди. Бу ерда “Обод қишлоқ” дастури асосида яна бир қатор объектлар бунёд этилмоқда. Ободонлаштириш ишлари банк кенг қўлдам олиб бориляпти.

“НАЙМАНСОЙ” ҚИРҒОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИ

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Наймансой” сойи Сўх дарёсининг Қўқон гидроузелидан бошланади. Мазкур сойнинг Ўзбекистон тумани ҳудудидан ўтган 965 метр қисми яқинда капитал таъмирланди.

Вилоятнинг Ўзбекистон ва Данғара туманлари ҳудудидан ўтувчи ушбу сой Сўх дарёсининг фавқулодда тошқин ва сел сувларини беталафот ўтказиб юбориш учун ташмала сифатида фойдаланилади.

Ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш давлат лойиҳалари асосида шу кунларда қурилиш-таъмирлаш ишлари дои-

расида “4-ИЧСҚМБ” МЧЖ қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан сой қишлоқлари 400 метр ҳимоя блоклари ўрнатилди. 1 та янги сув иншооти қурилди ҳамда сойнинг ўнг ва чап қишлоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. ушбу лойиҳага 1 миллиард 128 миллион сўм маблағ сарфланди.

ИССИҚЛИК ТИЗИМЛАРИ ЯНГИЛАНЯПТИ

Вилоятда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Марғилон шаҳридаги 130 та кўп квартирالي уйларнинг ички иссиқлик ти-

зимлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, хонадонларга феоизсиз сусуда бериш орқали тизимни тўлиқ янгилаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Анъанавий лойиҳалардан фарқи – бу ерда жаҳон тажрибаси асосида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилаётганидир.

СЎХДА БУНЁДҚОРЛИК

Сўх туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 274 километр тармоқ тортиш, 30 та иншоот қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Бунинг учун давлат бюджетидан 108 миллиард сўм маблағ ажратилган. Айни

кунларда маҳаллалардаги хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Яқинда “Сариканда” МФЙда истиқомат қилувчи 3 900 та хонадондагиларнинг йиллар давомидаги орзулари амалга ошди. Аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

850 ДАН ОРТИҚ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Марғилон шаҳридаги “Наврў” МФЙ ҳудудида янги ташкил этилаётган “Ёшлар” кичик саноат зонасида 22 та лойиҳа жойлаштирилган.

Майдони 4 гектарни ташкил қиладиган ушбу ҳудудда

850 дан ортиқ ишчи ўрни яратилиб, бир йилда 92,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда барча лотларда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Хусусан, 4 та лот бўйича асосий

қурилиш-монтаж ишлари яқунланиб, пардозлаш жараёنлари кетяпти. 12 та лотда том ишлари бошланган. Шунингдек, 2 та лойиҳа эгалари томонидан ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келиниб, монтаж ишлари олиб бориляпти.

ОБОДЛИК ОСТАНАДАН БОШЛАНАДИ

Фурқат тумани ҳокимини туманнинг кириш қисмига рамзий дарвоза ўрнатиш тўғрисидаги ташаббуси фаоллар томонидан маъқулланди.

Лойиҳа Ўзбекистон Халқ устаси Мухаммадали Юнусов томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Уста асос солган Фурқат ҳунар-

мандчилик мактаби қунарамандлари эски ва лойиҳани ишлаб чиқарди. Халқ устаси ва унинг шогирдлари томонидан туманнинг Шарқий дарвозасини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Рамзий дарвозани Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида қуриб битказиш режалаштирилган.

“O'zbekiston bunyodkori” Наширёт уйи МЧЖ жамоаси тахририятнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Зайлобиддин Йигиталиевга отаси

Ҳошимжон ЙИГИТАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 17 август кунини чиқади.

МАНГУБЕРДИЛИК БИЗГА ТАҚДИРИ АЗАЛ...



Баҳодирнинг бу ғалабаси туфайли халқимизда бирдамлик кучайди, аҳчилиқ, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби фазилятлар янада орtdи. У туфайли Ўзбекистонни янада кўпроқ танишди, билишди, қудратини ҳис қилишди. Ғалабага эришилган дамда нафақат спортчининг хонадонидан унинг яқинлари байрам қилишди, балки 34 миллионлик халқимизнинг ҳар бир хонадонидан байрам бўлиб, олқишлардан осмон ларзага келди гўё. Спортчимизнинг бу шарафли ғалабаси ор-

тида албатта, унинг ўзигагина аён машаққатли бир йўл турибди. Унинг отаси Исомиддин ака ҳам полвон бўлган, самбо бўйича спорт устаси эди. Ёлғиз ўғли Баҳодирни болалигидан спортга олиб борди, у чемпион бўлиши учун кучини аямасди. Аммо 2015 йил оғир дардга чалинди, бош мия ўсмасининг энг оғир тури деб ташхис қўйилди. 2016 йил Баҳодир Хитойда 3 ой тайёрланиб, Осиё чемпионатида Олимпиада йўлланмасини кўлга киритди. Чемпионатда қўли жароҳат олгани сабаб операция қилинди. Айнан ўша кун, тақдири

азал ҳам ўз ҳукмини ўтказиб, Исомиддин полвон омонатини Ҳаққа топширди.

Шифокорлар руҳсат бермаса ҳам, Баҳодир ўша заҳоти отасини сўнгги манзилга кузатиш учун Ўзбекистонга қайтди. Ўша йили оғир руҳий тушкунлик билан Рио Олимпиадасида қатнашган Баҳодир ғолиб бўлолмаганди.

Шундан сўнг, у 2018 йил жаҳон чемпиони, бу йил мана энди Олимпиада чемпиони бўлди. Афсуски, Исомиддин ака бу кунларни кўра олмади. Аммо ўғлининг бугунги ғалабасидан раҳматли

Исомиддин аканинг руҳи шод бўлгани шубҳасиз.

Бундан тўрт йил муқаддам Рио олимпиадасидан медалсиз қайтган Баҳодир “Онажон, мен учун ўқинманг, ҳали дунёнинг энг зўр спортчиси бўламан. Тўрт йил ичида энг зўр спортчи бўлиб, олтин медални кўлга киритиб келаман. Дунёни лол қолдираман, фақат сиз сиқилмасангиз бўлди” деб онасига ваъда берган экан.

Мана, у ваъдасининг устидан чиқди.

Кўзида ёш, елкаси узра Ватанимиз байроғини ҳилпиратганча югурётган ҳақиқий Ман-

губерди авлоди бўлган Баҳодир Жалоловнинг ушбу сўзлари эса ҳар бир ўзбекнинг қалбида ўчмас из қолдиргани рост:

– Мени қўллаб-қувватлаб турган ватандошлар, ҳаммангизга раҳмат. Бу ютуғимни Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлайман, бу ҳаммамизнинг ютуғимиз! Токиода бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчиларимиз ҳамда мамлакатимиз делегацияси аъзолари кеча юртимизга қайтиб келдилар.

Қаҳрамонларимиз жуда катта тантана билан кутиб олинди.

“Ўзбекистон бунёдкори”
Наширёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахрират манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефон: 71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunyodkori@umail.uz

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Дилшод Жалолов
Абдусамий Ҳақбердиев
Акнал Махкамов
Марҳамат Муслмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ
томонидан нашрга тайёрланди.

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қаشقарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-843.
2352 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳриси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎзА яқуни – Топширилди – 0010.